

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИГА ЗАРАР ЕТКАЗАДИГАН АХБОРОТ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ

Хамиджон Джуракулов

Ўзбекистон Республикаси судьялар олий кенгаши хузуридаги судьялар
олий мактаби тингловчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.1562182>

Ҳозирги замонда инсон ҳуқуқлари муҳим ўрин тутади. Бизнинг фикримизча, ҳуқуқий давлат қурилишидаги асосий шартлардан бири бу жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кенгайтириш ҳамда ҳимоя қилиш ҳисобланади. Унчалик узоқ бўлмаган ўтмишда ҳам инсон ҳуқуқлари фақатгина ички давлат органлари доирасида тартибига солинган. Ҳар бир давлат ўз юрисдикциясида бўлган фуқаро ва шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳажмини фақат ўзларигина ҳал қилиш ҳуқуқига эга деб ҳисоблар эдилар.

Ҳаттоқи, БМТ ташкил қилинган ilk кунларда ҳам давлат ички органлари бу соҳадаги асосий манбалар ҳисобланар эди. Умуман ҳуқуқни, айниқса инсон ҳуқуқларини у ёки бу жамиятда ҳукмронлик қилаётган мафкура, сиёсат ва ахлоқий маданиятдан ажратиб ўрганиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам давлатлар мазкур соҳада инсон ҳуқуқлари масаласини юқоридаги воситалар асосида тартибиға солишган ҳамда БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги стандартларини ўз ички ишига аралашиб деб ҳисоблаганлар.

Инсон ҳуқуқларига оид ҳалқаро ҳужжатларда шахсни зўравонликлардан, шу жумладан оиласда содир этиладиган жиноий зўравонликлардан ҳимоя қилиш механизми мустаҳкамлаб қўйилган.

Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича ҳалқаро келишув ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича ҳалқаро келишув оиласи жамият асосидаги гуруҳ деб тан олади¹ ҳамда шахсни оиласидаги зўравонликлардан ҳимоя қилади. Болалар саодати ва уларнинг ҳуқуқлари доимо ҳалқаро ҳамжамият дикқат-эътиборида бўлиб келган.

Бола ҳуқуқларига оид дастлабки ҳужжатлар XX асрнинг бошларида, 1919 йилда Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан, Саноатда ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенция, 1924 йилда Миллатлар Лигаси томонидан Бола ҳуқуқлари Женева декларацияси қабул қилинган эди.

Шу даврдан бошлаб, болалар ҳуқуқлари асосан қуллик, болалар меҳнати, болалар билан савдо қилиш ва вояга етмаганларнинг порнографиясига қарши чоралар кўриш билан чекланган бўлса, бола ҳуқуқлари бўйича ҳалқаро норма ижодкорлик фаолиятининг ривожланиши оқибатида, бугунги кунда бола ҳуқуқлари бўйича, унинг барча ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда маҳсус ҳуқуқларини ўзида акс эттирган ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг катта базаси шаклланган.

Албатта, бу ҳужжатлар бир-бирини тўлдиради, шу билан бир қаторда, бир-биридан фарқ қилади ва уларни ҳар доим ҳам бир хил қабул қилиш нотўғри бўлар эди.

1. Болаларга нисбатан зўравонлик бўйича бутунжаҳон ҳисоботи. — Т., 2009. — Б. 61.

Шунинг учун ҳам, ҳалқаро шартномалар ҳисобланган бу хужжатларнинг табиати ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда шартномаларни классификациялаш орқали ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Одатда, ҳалқаро шартномаларни қўйидаги мезонлар асосида классификациялаш қабул қилинган: ҳалқаро хужжатларнинг юридик кучи нуктаи назаридан умумий номи кўпроқ «конвенция» номи билан аталувчи императив характер касб этувчи хужжатлар ва умумий номи «декларация», «тавсиянома» каби номлар билан аталувчи тавсиявий характердаги хужжатлар (аммо, қайд этиш 47 Болаларга нисбатан зўравонлик бўйича бутунжаҳон ҳисоботи. — Т., 2009. — Б. 61. 39 керакки, ҳалқаро шартномаларнинг номлари юқорида қайд этилган номлар билан чекланиб қолмайди); тартибга солиниши бўйича бола ҳуқуқларининг айrim соҳаларига бағишланган махсус ҳужжатлар ва бола ҳуқуқларининг барча соҳаларини қамраб оловчи умумий характер касб этувчи ҳужжатлар; аъзолик масаласи бўйича, барча давлатларни қамраб олишни мақсад қилган универсал ҳалқаро шартномалар ҳамда муайян минтақа давлатларини қамраб оловчи минтақавий ҳужжатлар. Қўйидаги ҳалқаро умумэътироф эътилган нормалар айнан болаларнинг юқорида келтирилган муаммолардан химоя қилишнинг норматив тизимиdir: Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси 1948 йил, Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисида Конвенция 1960 йил, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт 1966 йил, Иктиносий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пакт 1966 йил, Пекин декларацияси ва Харакатлар Платформаси 1995 йил, Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция 1989 йил. 2019 йилда бутун дунёда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 30 йиллиги нишонланди. Конвенция инсон ҳуқуқлари бўйича энг кенг кўламда ратификация қилинган ҳалқаро битим бўлиб, у жаҳон миқёсида болаларга нисбатан қарашларни ва муносабатларни сезиларли даражада ўзgartирди. Бола ҳуқуқларига оид универсал нормаларни ўз ичига қамраб оловчи ҳужжатларни ҳам ўз навбатида қўйидагича классификациялаш мумкин: БМТнинг инсон ҳуқуқларига оид универсал стандартлари деб аталувчи умумий декларациялар ва конвенциялари, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пакт, Иктиносий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пакт каби универсал ҳужжатлари; БМТнинг ЮНЕСКО, ХМТ каби ихтиослашган ташкилотлари томонидан, меҳнат соҳаларида қабул қилинган ҳужжатлари; бола ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган алоҳида ижтимоий гуруҳлар (аёллар) ҳуқуқларини тартибга солувчи ҳалқаро шартномалар; муайян ҳуқуқий муносабатлар соҳасини (жиноят ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи) қамраб оловчи универсал ҳужжатлар; БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган ювенал юстиция, вояга етмаган шахсларга нисбатан одил судловни амалга ошириш масалаларига оид ҳужжатлар; бола ҳуқуқларини махсус тартибга солишга қаратилган декларациялар ва конвенциялар. Бола ҳуқуқлари соҳасида минтақавий ҳалқаро ҳужжатларни ҳам қўйидагича классификациялаш мумкин:

- Европа минтақаси давлатлари ҳамкорлигига қаратилган, Африка минтақаси давлатлари ҳамкорлигига қаратилган, Америка минтақаси давлатлари ҳамкорлигига қаратилган

• Ислом хамкорлик ташкилоти доирасида қабул қилинган ҳужжатлар. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид минтақавий ҳужжатлар хусусида фикр юритилганды, юқоридаги манзарадан кўриш мумкинки, ҳозиргача мавжуд ҳужжатлар асосан Европа, Америка ва Африка қитъаларигагина тааллуқли, холос. Афсуски, болалар ҳуқуқларини таъминлаш мураккаб ва муаммоли бўлган Осиё минтақасига оид бундай ҳужжат ҳали ишлаб чиқилмаган. Бу эса, бу минтақада инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий механизмнинг йўқлиги ва бу соҳада давлатларапо минтақавий ҳамкорлик жуда ҳам суст эканлиги билан характерланади. Мазкур минтақадаги аҳолиси мусулмон бўлган давлатлар учун мазкур бўшлиқни Ислом хамкорлик ташкилоти доирасида қабул қилинган ҳужжатлар тўлдиради. Юқоридаги умумназарий фикрлардан келиб чиқсан ҳолда вояга етмаганларнинг виктимизациясини олдини олиш ва бола ҳуқуқларини кафолатлайдиган ҳалқаро ҳуқуқий нормаларни таҳлил қиласиз. 1989 йилда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 13-моддасида “Бола ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқига эга: бу ҳуқуқ ҳар қандай турдаги ахборот ва ғояларни чегарасидан қатъи назар, оғзаки, ёзма ёки босма шаклда, санъат асари кўринишида ёки боланинг танловига кўра бошқа воситалар ёрдамида излаш, олиш ва узатиш эркинлигини ўз ичига олади.

Бундай ҳуқуқнинг амалга оширилиши баъзи чеклашларга дуч келиши мумкин...”, 17-моддасида “Иштирокчи-давлатлар оммавий ахборот воситаларининг муҳим ролини эътироф этадилар ҳамда боланинг турли миллий ва ҳалқаро манбалардан олинган ахборотлар ҳамда материаллари, айниқса, ижтимоий, маънавий ва ахлоқий фаровонликка, шунингдек боланинг соғлом, жисмоний ва руҳий ривожланишига кўмаклашишга қаратилган ахборотлар ва материаллардан фойдаланиш имкониятини таъминлайди. Шу мақсадда иштирокчи-давлатлар:

а) оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий ва маданий йўналишдаги ҳамда 29-модда руҳидаги бола учун фойдали ахборот ва материалларни тарқатишини рағбатлантирадилар;

б) турли хил маданий, миллий ва ҳалқаро манбалардан бундай ахборот ва материалларни тайёрлаш, айирбошлаш ҳамда тарқатиш соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорликни рағбатлантирадилар;

с) болалар адабиётини нашр этиш ва тарқатишни рағбатлантирадилар;

д) оммавий ахборот воситаларининг қандайдир озчиликни ташкил қилувчи гурӯҳ ёки туб аҳолига мансуб боланинг тил эҳтиёжларига алоҳида эътибор беришни рағбатлантирадилар;

э) 13 ва 18-моддаларни ҳисобга олган ҳолда боланинг фаровонлигига зарар етказадиган ахборот ва материаллардан уни ҳимоя қилиншнинг тегишли принципларини ишлаб чиқиши рағбатлантирадилар” деб белгиланган.

1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Ҳалқаро Пактнинг 7-моддасида “Ҳеч ким азобуқубатга солинмаслиги ва унга нисбатан шафқатсиз, ноинсоний ёки қадркимматини хўрловчи муомала қилинмаслиги ёки жазоланмасли-ги керак. Жумладан, ҳеч бир шахс устидан ўзининг розилигисиз тиббий ёки илмий тажриба ўтказилиши мумкин эмас”лиги, шунингдек Пактнинг 14-моддаси 4-бандида балогатга етмаганларга нисбатан суд жараёни шундай бўлиши керакки, бунда уларнинг ёши ва

уларни қайта тарбиялашга кўмаклашиш истаги инобатга олиниши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. 1966 йилда қабул қилинган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳукуқлар тўғрисида Халқаро пактнинг 10-моддаси 3-бандида келтирилишича, барча болалар ва ўсмирларга ҳеч бир камситишиз, оилавий келиб чиқиши ёки бошқа белгиларидан қатъий назар, алоҳида ҳимоя чоралари ва ёрдам кўрсатилиши шарт. Болалар ва ўсмирлар иқтисодий ва ижтимоий эксплуатациядан ҳимояланган бўлиши керак. Уларнинг меҳнатини ахлоқи ва саломатли ги учун заарли бўлган ёки ҳаёт учун хавфли соҳаларда, ёки уларнинг нормал ўсиши учун заарар келтириши мумкин бўлган соҳаларда қўллаш қонун билан жазоланиши керак. Бундан ташқари, давлат шундай ёш чегарасини белгилаб қўйиши керакки, шу чегарадан қуи ёшдаги болалар меҳнатидан фойдаланиши таъқиқланиши ва қонун билан жазоланиши лозим. Бола ҳукуқлари тўғрисида Конвенциянинг 16-моддасига кўра, бирорта бола унинг шахсий ҳаёт, оилавий ҳаёт, уйжой дахлсизлиги ёки почта орқали юбориладиган нарсаларнинг маҳфийлигига бўлган ҳукуқи амалга оширилишига ўзбошимчалик билан ёки қонунга зид равишда аралашиш, ёхуд унинг шаъни ва обрўсига ғайриқонуний тажовуз қилиш обьекти бўлиши мумкин эмаслиги, бола ана шундай аралашишлар ёки тажовуз қилишлардан қонун йўли билан ҳимояланиш ҳукуқига эгалиги белгиланган.

Конвенциянинг 18-моддасида белгиланишича, иштирокчи давлатлар бола тарбияланиши ва ривожланиши учун ота-онанинг умумий ва бир хил жавобгарлиги тамоили эътироф этилишини таъминлаш учун бор куч-ғайратларни сафарбар этадилар.

Ота-она ёки тегишли ҳолатларда қонуний васийлар боланинг тарбияланиши ва ривожланиши учун асосий жавобгар бўладилар. Боланинг энг яхши манфаатлари улар кўрсатадиган асосий ғамхўрликнинг предмети ҳисобланади. Шунингдек мазкур модданинг 2-бандида эса боланинг энг яхши манфаатларини ҳимоя қилиниши сифатида – ушбу Конвенцияда баён қилинган ҳукуқларнинг амалга оширилишини кафолатлаш ва кўмаклашиш мақсадида иштирокчи давлатлар ота-она ва қонуний васийларга бола тарбияси бўйича мажбуриятларини бажаришларига тегишли ёрдам кўрсатишлари ҳамда болалар муассасалари тармоғининг ривожланишини таъминлашлари келтирилган.

Конвенциянинг 19-моддаси болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, моддада иштирокчи давлатлар учун қуидаги мажбуриятлар келтирилган: Иштирокчи давлатлар болани жисмоний ва руҳий зўравонликнинг, ҳақоратлаш ва суиистеъмолликлар, ғамхўрлик кўрсатмаслик ёки бепарволик билан муомалада бўлиш, қўпол муомала қилиш ёки ота-она, қонуний васийлар, ёки бола ҳақида ғамхўрлик қилувчи ҳар қандай бошқа шахс томонидан эксплуатация қилиш, жумладан, шаҳвоний суиистеъмолликлар содир этишнинг ҳар қандай шаклларидан ҳимоялаш мақсадида жамики зарур қонуний, маъмурий, ижтимоий ва маърифий чора-тадбирларни кўрадилар. Бундай ҳимоя чоралари, зарурат тугилган тақдирда, бола ва унинг ҳақида ғамхўрлик кўрсатаётган шахсларни лозим даражада қўллаб-қувватлаш мақсадидаги ижтимоий дастурлар ишлаб чиқиш учун самарали тартиб-таомилларни, шунингдек, бола билан юқорида кўрсатилган тарзда шафқатсизларча муомала қилиш ҳоллари муносабати билан огоҳлантириш, аниқлаш ҳоллари муносабати билан огоҳлантириш, аниқлаш, хабар бериш, қараб чиқиш, тергов олиб бориш, даволаш ҳамда шундан кейинги чораларни кўриш

зарурати туғилған тақдирда, суд ишини қўзғатиш учун чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олади. Конвенциянинг 32-моддаси болаларни эксплуатациядан ҳимоя қилишга оид бўлиб, моддада белгиланишича, иштирокчи давлатлар боланинг иқтисодий эксплуатациядан ҳамда унинг соғлиғи учун хавф-хатар етказиши мумкин бўлган ёки таълим олишига тўсқинлик қиласидиган, ёхуд соғлиғи, жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий ривожланишига зарар келтирадиган ҳар қандай ишлардан ҳимоя қилиниш ҳуқуқини эътироф этишлари, шунингдек иштирокчи давлатлар ушбу модданинг амалга оширилишини таъминлаш учун қонуний, маъмурий ва ижтимоий, шунингдек, таълим соҳасидаги чора- тадбирларни кўришлари лозимлиги белгиланган. Конвенциянинг 33-моддасида эса, иштирокчи давлатлар тегишли ҳалқаро шартномаларда белгилаб қўйилганидек, болаларни гиёхвандлик ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда истеъмол қилишдан ҳимоя этиш мақсадида зарур барча чора-тадбирларни, жумладан, қонуний, маъмурий ва ижтимоий, шунингдек, таълим соҳасидаги чораларни ҳамда анна шундай моддаларни ғайриқонуний равишда ишлаб чиқаришда ва уларни сотишда болалардан фойдаланишга йўл қўймаслик чораларини кўришлари шартлиги кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга болаларни ҳар қандай жинсий зўравонликдан ҳимоя қилишга қаратилган нормалар Конвенциянинг 34-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра иштирокчи давлатлар болани ундан шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш ва шаҳвоний бузишнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

Ана шу мақсадларда иштирокчи давлатлар, жумладан қуйидаги ҳолатларнинг олдини олиш учун миллий, икки томонлама ва кўп томонлама барча зарур чора-тадбирларни кўрадилар: а) болани ҳар қандай ғайриқонуний равишдаги шаҳвоний фаолиятга тортиш ва мажбурлаш; б) болалардан фоҳишабозлик ёки ғайриқонуний равишдаги барча шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш; в) болалардан порнография ва порнография материаллари тайёрлаш мақсадларида фойдаланиш. Ушбу модданинг узвий давоми сифатида 35-моддада иштирокчи давлатлар болаларни ўғирлаш, сотиш ёки уларни ҳар қандай мақсадларда ва ҳар қандай шаклларда контрабанда қилишнинг олдини олиш учун миллий, икки томонлама ва кўп томонлама барча зарур чоратадбирларни кўришлари шартлиги белгиланган. Конвенциянинг 36-моддаси болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган умумийлик аҳамиятига эга норма ҳисобланниб, унда иштирокчи давлатлар болани унинг фаровонлигига оид ҳар қандай жиҳатдан зарар етказадиган фойдаланишнинг барча бошқа шаклларидан ҳимоя қилишлари шартлиги келтирилган.²

Болаларга зарар етказадиган ахборотларнинг олдини олиш учун турли таклифларни илгари суриш мумкин. Улар қаторида, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборотни ёшларга мос равишда тақдим этиш ва бундай ахборотни тарқатишга қарши қонунчиликни кучайтиришни тавсия этиш мумкин. Шунингдек, болаларни ахборот хавфсизлигига оид маҳсус таълим дастурлари орқали ўқитиш ва уларни ахборот манбалари билан ишлашга ўргатиш муҳим саналади. Ахборотнинг зарарли таъсирларини олдини олиш учун ахборотни таҳлил қилиш ва тарқатишда ёшларга мос тадқиқотлар олиб бориш керак.

² 2. БМТнинг 20.11.1989 йилдаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси.